





## Кириш

**Битирув малакавий ишининг долзарблиги.** Ҳозирги кунда республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни тубдан ислох қилиш ва бу соҳада банк ва нобанк ташкилотларининг кредит бериш имкониятларини кенгайтиришни талаб этади. Республика ҳукумати ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга катта эътибор бериб келмоқда. Бу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида микромолиялаштириш усулини қўллаш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Микромолиялаштириш аҳолини камбағалликдан халос этувчи муҳим йўналишлардан биридир. У аҳолининг кам таъминланган қисмини ўзига тўқ ва рентабел бизнес фаолиятини ташкил этишда ёрдам беради. Умуман олганда, микромолиялаштириш бу камбағалликка қарши курашувчи самарали инструментдир.

**Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети.** Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларини бевосита олиб кириш учун маъқул шароитлар яратиш долзарб - мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шулардан бири ушбу соҳани микромолиялаш ва унинг янги турларини қўллаш ҳамда ривожлантириш масаласидир.

**Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.** “Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳар бир вилоят ҳудудлари ва ҳар бир қишлоқ фуқаро йиғинлари бўйича ишлаб чиқилган “Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш Дастури” асосидаги фаолиятини ёритиш.

## **Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти.**

Аҳолининг кам таъминланган, лекин иқтисодий фаол қатламининг тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлишида, янгидан иш бошлаган тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятларини йўлга қўйиб олишларида микрокредитларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки халқаро тажрибадан келиб чиқиб гапирадиган бўлсак, бугунги кунда ривожланаётган ва иқтисодий ўтиш даврида бўлган мамлакатларда тижорат банклари, махсус микрокредитлаш ташкилотлари томонидан ажратилаётган микрокредитлар аҳолининг кам таъминланган қатламини иқтисодий фаолият билан шуғулланиб, ўз даромадларини орттиришга, тадбиркорликнинг ривожланишига хизмат қилиб келмоқда. Айни пайтда барқарор ва ишончли фаолият юритиб келаётган “Микрокредит” очик акциядорлик тижорат банки хдм иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, унинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиб келаяпти. Жумладан “Микрокредитбанк” томонидан устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган жами кредитлар ва микроолиявий хизматлар ҳажми 204,6 млрд. сўмга етиб, ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар ошди.

**Битирув малакавий ишининг таркиби** кириш, учта боб, хулоса ва таклифлардан иборат.

# **I Боб Микрокредитбанкнинг ташкил этилиши ҳамда уни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти**

## **1.1 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти.**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ. “Биз кичик бизнесга ва хусусий тадбиркорликка нисбатан республикаimizни иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантиришни таъминлайдиган омил деб қарамоғимиз лозим” деган эди Президентимиз И.А. Каримов. Кичик бизнес асосида мулкдорлар синфининг шаклланиши ижтимоий-иқтисодий барқарорлик кафолати бўлиб хизмат қилади. Республикаimizда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг негизи бу-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир. Чунки йирик ишлаб чиқариш субъектларига қараганда кичик бизнес нисбатан кам инвестиция талаб қилгани ҳолда, маҳсулот турларини янгилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва шу билан бирга, бозор конъюктурасининг беқарор ҳамда вақти-вақти билан такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлари шароитига тез мосланувчан бўлиб, тез самара беради. Натижада бозор талабига мос маҳсулот ишлаб чиқарилади, қўшимча иш ўринлари яратилади.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёслигини кўрсатмоқда. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳурматли Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” деб номланган маърузасида “Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни ишга жойлаштириш муаммосига ғоят катта эътибор берилаётгани ҳақида бугун ортиқча гапиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман” деган фикрларни билдирди.

2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди.

Ушбу кўрсаткичларни мамнуният билан қайд этар эканмиз, бу вазифа жорий ва келгуси йилларда ҳам ижтимоий-иқтисодий дастурларимизнинг марказида бўлиши лозимлигини барчамиз яхши англаймиз, албатта”<sup>1</sup> деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган чора тадбирлар натижасида республикаимизда йилдан-йилга макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги ҳамда юқори иқтисодий ўсиш таъминланмоқда.

Ўтган 2012 йилда ҳам мамлакатимиз иқтисодиётида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларида юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

---

<sup>1</sup>И.А.Каримов.” Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т. “Халқ сўзи” газетаси. 2013й. 19 январ.

Жумладан Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 96,6 трлн. сўмни ташкил этган ҳолда олдинги йилга нисбатан 8,2 фоиз ўсишга эришилди. Бундай ўсиш тенденциясига бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган дастурий вазифаларни ўз вақтида бажарилаётганлиги, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодиётда солиқ юқини пасайтириш ва бошқа қатор имтиёзларнинг жорий этилаётганлиги; молия-банк тизимига берилаётган эътибор ва унинг натижасида соҳанинг барқарор ривожланиб бораётганлиги эвазига эришилмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида, аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнамоқда. Жумладан кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 7 фоиздан 6 фоизга пасайтирилди. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар пасайтирилди.

Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг республикамиз иқтисодиётида тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

2012 йилда кичик бизнес субъектларига тегишли ишлаб чиқариш корхоналари ва микрофирмалар сони 23,3 мингтага ўсиб, 2013 йил 1 январь ҳолатига 219,4 мингтага (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) етди. Кичик бизнеснинг ЯИМ таркибидаги улуши 54,6 фоизни ташкил қилди.

2012 йилда янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини ошириш комплекс дастурининг бажарилиши туфайли қарийб 1 миллионта янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди.

## **1.2. Микрокредитбанкни ташкил этишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.**

Иқтисодий ислохотларнинг босқичма босқич амалга ошириб бориш мобайнида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, республика минтақаларида иқтисодиётнинг нодавлат сектори ишлаб чиқариш молиявий салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 13-сонли Қарори билан қишлоқда тадбиркорлик ва мулкчиликнинг янги шакллари ривожлантиришни амалда молиявий қўллаб-қувватлаш, янги ишлаб чиқариш тузилмалари жамоаларининг иш фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш учун «Ўз деҳқончиликсаноатбанк» ҳузурида тадбиркорлар, фермерлар ва хусусий шахсларнинг «Тадбиркор» акционерлик тижорат банки ташкил этилди.

Деҳқон (фермер) хўжаликларига, шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига, қишлоқхўжалиги ижарачиларига ва кооперативларга, кичик, шу жумладан, қишлоқхўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи хусусий корхоналар ва фирмаларга хизмат кўрсатиш, хорижий сармояни кенг жалб этиш Тадбиркорбанкнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Шунингдек, «Тадбиркор» акционерлик тижорат банкининг устав фондидаги улуш сифатида давлат бюджетидан 1 млрд. 500 млн. сум ажратилди ва банкнинг Устави ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлардаги бўлимлари тўғрисидаги Низом тасдиқланди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 апрелдаги «Ўз тадбиркорбанк»нинг ташкил топишида амалий ёрдам кўрсатиш бўйичақўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 187-сонли Қарори меъёрларидан келиб чиқиб, банк томонидан деҳқон (фермер) хўжаликларига, шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларига, қишлоқ хўжалиги ижарачиларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик ва хусусий корхоналарга қуйидаги фоизларда кредитлар бериш амалиёти жорий этилди:

чорвачилик, ғаллачилик ва озуқа етиштирувчи хўжаликларга - йиллик 15 фоиз;

мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликларга - йиллик 20 фоиз;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик ва хусусий корхоналарга - йиллик 25 фоиз;

қишлоқ жойлардаги бошқа тадбиркорлик субъектларига - тижорат асосида кредитлар ажратиш жорий этилди.

Ушбу қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-маҳсул таълим вазирлиги «Ўз тадбиркорбанк» буюртманомасига кўра олий ўқув юртларининг тегишли мутахассисликлар бўйича битирувчиларини банк тизимида ишлаш учун юбориш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўз саноатқурилишбанк» ва бошқа банкларга «Ўз тадбиркорбанк»ни малакали мутахассислар билан тўлдиришда самарали ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Кредит бериш муассасалари, айниқса, «Тадбиркорбанк» тузилмаларини ривожлантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун тижоратчи ихтисослаштирилган банклар, шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги банклар тармоқларини кенгайтириш давом этди, савдо уйлари, инвестиция компаниялари, инвестиция воситачилари, фонд дуконлари, клиринг ва агентлик тармоқлари фаолияти кенгайди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳанинг ривожланишини рағбатлантириш борасида мустақилликнинг дастлабки 10 йиллигида қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, 2000 йилга келиб бу борада ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги, бор имкониятлардан етарли даражада фойдала- нилмаётганлиги, банкларнинг мазкур соҳага молиявий кўмак бериш борасидаги ишларини янада такомиллаштириш зарурлиги аён бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрда қабулқилинган «Кичик корхоналар, дехқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бе- риш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйичақўшимча чора- тадбирлар тўғрисида»ги 366-сонли қарори кичик бизнес, дехқон ва фермер хўжаликлари ташкил этишни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда жадал ривожлантириш, уларнинг молиявий, моддий-техника ва хомашё ресурслари олишини кенгайтиришга хизмат қилди. Мазкур қарорга кўра:

- микрофирмалар, кичик корхоналар, дехқон (юримдик шахсмақомига эга бўлган) ва фермер хўжаликларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 6 ойдан куп бўлмаган даврда кредит олиш учун тегишли буюртманомалар берган Фақат янгидан очилган корхоналарга берилиши;

-дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми микдорида имтиёзли фоиз став- каси бўйича 3 йилгача бўлган муддатга ўз айтириш ҳуқуқисиз микрофирмалар ва дехқон (юримдик шахсмақомига эга бўлган) хўжаликлари учун энг кам ойлик иш хакининг 150 баравари микдоригача ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун энг кам ойлик иш хакининг 300 баравари микдоригача, фоизлар тулашни 12 ойга кечиктириш ҳамда асосий қарзни кредит олингандан кейин 18-24 ой утгач қайтаришни бошлаш шартларида берилиши кўзда тутилди.

Вазирлар Махкамасининг ушбу қарорига мувофиқ, тижорат банкларида кредит линиялари очиш, якка тартибдаги тадбиркорлар, дехқон ва фермер хўжаликлари, микрофирмалар, кичик корхоналарни кредитлаш, шу жумладан, даётлабки (бошланғич) сармойани шакллантиришга кредитлар ажратиш тартибини белгиловчи 2006 йил 21 февралда «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқарижамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги №- 1548 сонли Низом тасдиқланди.

Микромолиявий хизматларнинг жадал ривожланиши ҳамда тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши, микромолиялаш соҳасидаги меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши каби вазифалар бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3750-сон Фармонида мувофиқ, собик АТБ «Тадбиркорбанк» базасида «Микрокредитбанк» АТБ ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари этиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, дехқон ва фермер хўжаликларига микрокредитлар бериш, кенг кўламдаги банк ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш, айниқсақишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва минибанклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш белгиланди.

Банкнинг капиталлашуви даражасини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишда унинг иштирокини кенгайтириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини фаоллаштириш, шунингдек, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг мини-технологиялар ва замонавий технологик ускуналарни харид қилиш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар

ишлаб чиқаришни ўз лаштириш учун имтиёзли кредитлардан кенг кўламда фойдаланишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4051 -сонли Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ:

-тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш хакининг 200 баробари микдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставка йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш хакининг 500 баробари микдоридаги микрокредитлар бўйича ставка Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоиздан 50 фоизига;

- кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш хакининг 2000 баробари микдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставка йил- лик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган молия-банк тизимидаги ислохотлар натижасида бугун юртимизда фаолият курсатаётган банк муассасалари катта-кичик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларининг ишончли ҳамкорига айланди. Негаки, ялпи ички маҳсулот ҳажми, аҳоли реал иш хаки ва даромадларининг усишида, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида уз харидорига эга булишида, ижтимоий объектлар ҳамда турар-жой бинолари барпо этишдек кенг куламли бунёдкорлик ишларида кулга киритилаётган улкан ютуқларда айнан банк муассасаларининг молиявий кумаги муҳим аҳдмият касб этмоқда.

Янги банк зиммасига кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йули билан янги иш ўринларини

яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг кенг катламларини микромолиявий хизматлардан баҳраманд булишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш вазифаси юкланди ва 78 млрд. сум низом жамғармаси белгиланди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан қуйидагилар ўз фаолиятини бошлаган «Микрокредитбанк» ОАТБ нинг асосий вазифалари қилиб белгиланди:

- кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқонхўжаликларига ишлаб чиқариш фаолиятларини ташкил этиш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун микрокредитлар ажратиш, кенг қўламдаги банк ва консалтинг хизматларини кенгайтириш;

- микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш билан микрофирмалар фаолиятини, оилавий бизнес ҳамда касаначиликни тараққий этиш жараёнини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳисобига тадбиркорлик соҳаси қўламларини кенгайтириш;

- микросармояларнинг самарадорлигини, қайтарилишини таъминлаш;

- тадбиркорларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш.

Банк, дастлаб Республикамиз ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган асосий омил - ўз инфратўз улмасини яратишга ҳаракат қилди. Айни кунда турли аҳоли пунктларида банкнинг 82 филиали, 285 мини банки ва кўплаб агентликлари ишлаб турибди. Ҳозир банк 200 мингга яқин миқдорда хизмат қилмоқда.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётида, ҳақли равишда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси молия бозорида беш йилдан буён фаолият куфсатиб келаётган «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг ўз ига ҳос ҳиссаси бор, албатта. Банк фаолият бошлаганидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 551 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратди. Жумладан, микромолиявий хизматлар миқдори 386 миллиард сумни ташкил

этди. Мазкур сармоялар эвазига республикамызда 400 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожлана бошлади. Буни янги банк жадал ишлай бошлаши билан 2008 йил 10 ноябрда Президентимизнинг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганидан ҳам англаб олиш мумкин. Ушбу Фармон қайд этиб утилганидек, тадбиркорлар учун яна катта имтиёзлар яратди. Жумладан, бошланғич сармояни шакллантириш учун ажратиладиган микрокредит устамаси йиллик 5 фоиздан 3 фоизга, айланма маблағларни тўлдириш ва бизнесни ривожлантириш учун ажратиладиган микрокредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизига, яъни 6 фоизга камайтирилди. Банк устав капитали 72 миллиард сумга кўпайтирилди ва у ҳазирги кунда 160 миллиард сўмга етказилди.

Айни пайтда барқарор ва ишончли фаолият юритиб келаётган «Микрокредит» очик акциядорлик тижорат банки ҳам иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, унинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиб келаяпти.

Микрокредит банк инфратузилмаси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини камраб олган бўлиб, миждозларга ўзининг 183 та филиали, 301 та минибанки, 251 та махсус кассалари, 188 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари орқали хизмат кўрсатиб келмоқда. Бошқача айтганда, бугунги кунда Микрокредитбанк томонидан 300 мингга яқин юридик ҳамда 3 миллионга яқин жисмоний шахсларга замонавий банк хизматлари курсатилаяпти. Республикамыз банк секторида Микрокредит банк капитали ҳажми ва филиаллар тармоғи сони бўйича иккита ҳамда активлар миқдори

бўйича урта энг йирик банклар қаторига киради.

Жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, банкларнинг капитал ҳамда ресурс базасини кучайтирган ҳолда иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини, биринчи навбатда экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий кўмак бериш, ишлаб чиқаришни ва ижтимоий инфратузилмани “айниқса” қишлоқ жойларда ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш бугунги куннинг энг устувор вазифалари ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ана шундай вазиятда иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишига аввало мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз томонидан ўз вақтида, ҳар томонлама пухта ўйлаб чиқарилаётган фармон ва қарорлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, иқтисодиётимизнинг қон томири ҳисобланган банк-молия тизимини мустаҳкамлаш борасида изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган муҳим қонун ҳужжатлари амалда ўз самарасини бермоқда.

“Микрокредитбанк” томонидан иқтисодиётнинг аграр секторини барқарор ривожлантириш, тармоқдаги иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи янги замонавий корхоналарни барпо этиш ҳамда ички бозорни арзон маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармонларига асосан микрокредит банк томонидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси юзасидан кенг қўламли ишлар олиб борилмоқдади.

## **II Боб Микрокредитбанкнинг умумий фаолияти ва кредитлаш жараёнининг амалий ҳолати таҳлили**

### **2.1. Микрокредитбанкнинг умумий фаолиятининг таҳлили**

Жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, банкларнинг капитал ҳамда ресурс базасини кучайтирган ҳолда иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини, биринчи навбатда экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий кўмак бериш, ишлаб чиқаришни ва ижтимоий инфратузилмани “айниқса” қишлоқ жойларда ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш бугунги куннинг энг устувор вазифалари ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ана шундай вазиятда иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишига аввало мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз томонидан ўз вақтида, ҳар томонлама пухта ўйлаб чиқарилаётган фармон ва қарорлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, иқтисодиётимизнинг қон томири ҳисобланган банк-молия тизимини мустаҳкамлаш борасида изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган муҳим қонун ҳужжатлари амалда ўз самарасини бермоқда.

Микрокредит банк томонидан иқтисодиётнинг аграр секторини барқарор ривожлантириш, тармоқдаги иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи янги замонавий корхоналарни барпо этиш ҳамда ички бозорни арзон маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармонларига асосан



“Микрокредитбанк” томонидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилди.

Бугунги кунда Микрокредит банк тизимига кўплаб халқаро молия муассасаларининг узоқ муддатли кредит линиялари жалб этилган бўлиб, бу маблағлар ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиялаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, сўнгги йилда Халқаро тараққиёт ассоциациясининг кредит линияси орқали ҳам лойиҳаларни молиялаштириш бошлады.

Банк фаолиятининг умумий кўрсаткичларини кўриб чиқадиган бўлсак, “Микрокредитбанк” ОАТБ ўзининг бутун фаолияти давомида молиявий бозордаги ўзининг мавқеини мустаҳкамлашга интилиб бормоқда. “Микрокредитбанк” ОАТБ капитал базаси юқори бўлган банклардан бири ҳисобланади ва шунга мос равишда банк капиталининг мослиги бўйича барча талабларни бажармоқда. Банк учун энг муҳим устуворлик ва ривожланиш стратегиясининг муҳим йўналиши – бу капитал базасининг барқарорлигини таъминлашдир.

Тижорат банклари ресурслари иккита йирик гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ банкнинг ўз маблағлари бўлиб, бу юқорида айтиб ўтилган банкнинг капитал базаси ҳисобланади. Иккинчи гуруҳ жалб қилинган маблағлар яъни, банкнинг мажбуриятларидир.

Ҳисобот йилида банкнинг иқтисодий кўрсаткичларини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида унинг молиявий барқарорлигини баҳоловчи кўрсаткичлардан бири бўлган активлари 2012 йил 31 декабрь ҳолатига 1 трлн. 964 млрд. сумни, шундан даромад келтирадиган активлар миқдори 70 фоизини ташкил этди.

Банкнинг жамлама капитали 298 млрд. сумни ташкил этиб, ҳисобот йилининг бошига нисбатан 61 млрд. сўмга ўсишига эришилди.

**Тижорат банки кредит ресурслари ва унинг таркиби<sup>1</sup>**  
(31 декабр ҳолатига)

№	Кўрсаткичлар	2011 йил 31 декабрь		2012 йил 31 декабрь		Ўзгариши (+,-)	
		Сумма (млн.сўмда)	салмоғи (%)	Сумма (млн.сўмда)	сал моғи (%)	млн.сўм	%
1	Мажбуриятлар (банкнинг жалб қилган ресурслари)	408,38	83,67	523,75	83,3	115,43	28%
2	Банк капитали	79,72	16,33	105,28	16,7	25,56	32%
3	Жами ресурслар	488,13	100	629,03	100	140,99	29%

<sup>1</sup>"Микрокредитбанк" ОАТБнинг йиллик ҳисобот маълумотлари

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, "Микрокредитбанк" ОАТБнинг жами ресурслари 2012 йил 31 декабр ҳолатига 629 035 млн. сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 140 996 млн. сўмга ёки 129 % га кўпайган. Банкнинг жами ресурслари таркибида 83,3 % ни банкнинг жалб қилган ресурслари эгаллаган ва 523 758 млн. сўмга тенг бўлган. Банкнинг жалб қилган ресурслари ўтган йилга қараганда 115437 млн. сўмга ошган. Банк жами ресурсларининг 16,7 % ўз капиталидан ташкил топган, яъни 105 278 млн.сўмни ташкил этган. Банк капитали ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 132 % га ошган, яъни 25 559млн. сўмга кўпайган. Банк кредит ресурсларининг ўсишини ижобий баҳолаш мумкин, айниқса банк капитали улушининг ўтган йилга нисбатан кўпайиши ижобий ҳолат ҳисобланади, чунки банк капитали банк учун барқарор ресурсдир.

Энди "Микрокредитбанк" ОАТБнинг ўз маблағлари ёки ўзига тегишли бўлган капитали таркибини кўриб чиқамиз

Тижорат банки ўз капитали таркиби<sup>2</sup>

№	Кўрсаткичлар	31.12.2011		31.12.2012		Ўзгариши (+,-)	
		Сумма (млн.сўмда)	салмоғи (%)	Сумма (млн.сўмда)	салмоғи (%)	млн.сўм	%
1	Устав фонди	58 077,5	72,85	74 726,7	70,98	16 649,2	128,67
2	Умумий захира	10 415,7	13,07	14 147,6	13,44	3 731,9	135,83
3	Тақсимланмаган фойда	9 289,7	11,65	13 802,3	13,11	4 512,6	148,58
4	Бошқалар	1 935	2,43	2 600,9	2,47	665,9	134,41
5	Жами ўз маблағлари	79 717,9	100	105 277,5	100	25 559,6	132,06

<sup>2</sup>"Микрокредитбанк" ОАТБнинг йиллик ҳисобот маълумотлари

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадик, "Микрокредитбанк" ОАТБнинг жами ўз маблағлари, яъни хусусий капитали 2012 йил 31 декабр ҳолатига 105 277,5 млн. сўмга тенг бўлган, 2011 йил 31 декабр ҳолатига нисбатан 132,06 % га ёки 25 559,6 млн. сўмга ошган. 31.01.2012 йил ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, банк хусусий капитали таркибида энг кўп улушни, яъни 71 % ни устав фонди ташкил этади ва 74 726,7 млн.сўмга тенг бўлган, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 128,67 % га ёки 16 649,2 млн.сўмга кўпайган. Банкнинг умумий захира фонди банк хусусий капиталининг 13,4 % ташкил этади, жорий йилда 14 147,6 млн.сўмга тенг бўлган ва ўтган йилга нисбатан 135,83 % га ёки 3 731,9 млн. сўмга кўпайган. Банкнинг тақсимланмаган фойдаси эса банк хусусий капиталининг 13,1 % ини ташкил этган. Жорий йилда банкнинг тақсимланмаган фойдаси 13 802,3 млн.сўмга тенг бўлган ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 148,58 %га ёки 4 512,6 млн.сўмга кўпайган.

Энди "Микрокредитбанк" ОАТБнинг жалб қилинган маблағлари таркиби ва ўзгариш динамикаси билан танишамиз.

**3-Жадвал**

**Тижорат банкининг жалб қилинган маблағлари таркиби ва динамикаси<sup>3</sup>**

№	Кўрсаткичлар	31.12.2011		31.12.2012		Ўзгариши (+,-)	
		Сумма (млн.сўм)	салмоғи (%)	Сумма (млн.сўм)	салмоғи (%)	млн.сўм	%
	Мажбуриятлар						
1	Талаб қилиб олингунча депозитлар	102 198	25%	123 545	24%	21 347	121
2	Жамғарма депозитлар	31 293	8%	47 620	9%	16 327	152
3	Муддатли депозитлар	80 396	20%	80 227	15%	(169)	100
4	Депозит сертификатлари	75 400	18%	61 200	12%	(14 200)	81
5	Ҳукумат ҳисобварақлари	8 597	2%	7 672	1%	(925)	89
	<b>Жами депозитлар</b>	<b>297 884</b>	<b>73%</b>	<b>320 264</b>	<b>61%</b>	<b>22 380</b>	<b>108</b>
6	Бошқа банкларга тўланиши керак бўлган маблағлар	47 517	12%	84 224	16%	36 707	177
7	РЕПО ва бошқа қарз маблағлари	-	-	-	-	-	-
8	Солиқ мажбуриятлари	543,13	0,1%	1 193	0,2%	650	220
9	Бошқа мажбуриятлар	62 377	15%	118 076	23%	55 699	189
	<b>Жами нодепозитлар</b>	<b>110 437</b>	<b>27%</b>	<b>203 494</b>	<b>39%</b>	<b>93 056</b>	<b>184</b>
	<b>Жами мажбуриятлар</b>	<b>408 321</b>	<b>100%</b>	<b>523 758</b>	<b>100%</b>	<b>115 437</b>	<b>128</b>

<sup>3</sup>"Микрокредитбанк" ОАТБнинг йиллик ҳисобот маълумотлари

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ОАТБ "Микрокредитбанк"нинг жами мажбуриятлари 2012 йил 31 декабр ҳолатига 523 758 млн. сўмга тенг бўлган ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115 437

млн. сўмга ошган. Банкнинг жами мажбуриятлари таркибида 61 % ни депозит маблағлари, 39 % ни нодепозит маблағлари эгаллаган. депозит маблағлари таркибида талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши 24 %га тенг бўлиб, 123 545 млн. сўмни ташкил этган. Муддатли депозитлар эса 80 227 млн. сўмга тенг бўлган ва жами мажбуриятларнинг 15 % ни, депозитларнинг эса 25 % ини ташкил этган. Банк мажбуриятлари таркибини таҳлил қилиб шуни кўришимиз мумкинки, банкнинг депозитлари меъёр даржасида жалб қилинган, чунки банк агар муддатли ва жамғарма депозитларни кўп жалб қиладиган бўлса, бу банк учун бир томондан барқарор ресурс бўлади, иккинчи томондан банк учун қиммат ресурс бўлиб ҳисобланади. Талаб қилиб олингунча депозитлар ҳам бир томондан нобарқарор ресурс, иккинчи томондан банк учун арзон ресурс ҳисобланади. шунинг учун банк доимо ўз мажбуриятларини самарали бошқариш орқали ликвидлик ва даромадлилик даражасини таъминлаб бориши лозим бўлади.

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки филиалларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4057-сонли Фармони ва 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1090-сонли Қарори ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Аҳоли талаб ва истакларини ўрганган ҳолда янги жозибали омонат турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий этилган омонат турлари ва уларнинг қулайликлари юзасидан оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб ва ташвиқот ишлари амалга оширилиши натижасида аҳолининг қизиқиш ва омонатларга бўлган ишончининг ошишига эришилди.

Ҳисобот даврида аҳолига таклиф этилаётган омонат турлари 19 тани ташкил этди. Банк ресурс базасини мустаҳкамлаш, бўш пул маблағларини банк кассаларига кўпроқ жалб қилиш, аҳолининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида банк тизимида янги жозибадор омонат турлари жорий қилинмоқда.

Жумладан, ҳисобот йилида:

✓ «2012 йил-Мустаҳкам оила йили» деб аталиши муносабати билан **“Оила қувончи”** деб номланган, йиллик фоиз тўлови **26** фоизни ташкил қилувчи, сақлаш муддати 3 ой, 6 ой, 9 ой ва 12 ой;

✓ аҳолининг коммунал тўловларини ўз вақтида тўланиши учун кенг имконият яратиш мақсадида **“Коммунал”** деб номланган, йиллик фоиз тўлови **18** фоизни ташкил қилувчи, сақлаш муддати 1 ойдан 12 ойгача;

✓ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан **“Мустақилликнинг 21 йиллиги”** деб номланган, йиллик фоиз тўлови **25** фоизни ташкил қилувчи, сақлаш муддати 3 ой;

✓ **“Болажон”** деб номланган йиллик фоиз тўлови **20** фоизни ташкил қилувчи, сақлаш муддати 1 йилдан 15 йилгача.

Мазкур омонат турига вояга етмаган болалар номига боланинг туғилганлиги ҳақида гувоҳномаси тақдим этилган ҳолда очилади ва маблағлар нақд ҳамда пул кўчириш орқали қабул қилинади. Бунда пул кўчирувчи сифатида боланинг ота-онаси, қариндошлари, ихтиёрий ҳомий фуқаро ёки корхона ва ташкилот қатнашиши мумкин.

**“Антиқа”** деб номланган, йиллик фоиз тўлови **14** фоизни ташкил қилувчи, сақлаш муддати 15 кун бўлган омонат турлари жорий этилди.

Ушбу омонат турига маблағлар ҳар ойнинг 25 санасидан кейинги ойнинг 10 санасигача қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва

барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли қарори талабларини тўлиқ бажарилишига эришиб келинмоқда.

Банк Бошқарувининг 2012 йил 27 январдаги «Микрокредитбанк» ОАТБ филиалларида 2012 йилда депозитларга маблағлар жалб қилиш прогноз кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 15-3-сонли қарорида йил охирига бориб омонатлар қолдиғини **30 фоиз** ошириш белгиланган эди. **2013 йилнинг 1 январь** ҳолатига аҳоли омонатлари қолдиғи **79,4** млрд. сўмни ташкил этиб, **2012 йил бошига** нисбатан **19,7** млрд. сўмга ёки **33 фоизга** ортди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида” 2008 йил 31 октябрдаги ПҚ-991-сонли Қарорига мувофиқ 2012 йил якунлари бўйича Республика тижорат банклари ўртасида ўтказилган танловда “Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банки томонидан жорий этилган “Аҳоли учун энг яхши инновацион маҳсулот” номинациясида ғолиб деб топилди.

Банкнинг Навоий вилояти Кармана филиалига қарашли «Хазора» мини банки “Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2012 йилнинг энг яхши мини-банки” номинациясида 1-даражали диплом, Навоий вилояти Амалиёт бўлими “Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2012 йилнинг энг яхши филиали” номинациясида 3-даражали диплом билан тақдирланди.

“Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банки ўтган йил давомида мижозларга янги технологиялар ва банк хизматларини жорий этиш соҳасидаги кенг кўламли ишларни амалга ошириб, доимо мижозлар истагини ҳисобга олиб ва ўз сиёсатини уларнинг ҳар бирининг манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширди.

“Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банкида ўтган 2012 йил охириги чорагидан бошлаб иккита тизим орқали мижозларга пластик

карточкалар бўйича хизматлар кўрсатиб келди, яъни “Of-line” ва “On-line” тизимлари орқали. Банк томонидан 2012 йил якунига қадар муомалага чиқарилган пластик карточкалар 439,3 минг донани ташкил этиб (шундан, 404,6 минг донаси “Of-line” тизимида ва қолган 34,7 минг донаси “On-line” тизимида ишловчи пластик карточкалардир), улар орқали тўлов терминалларида республика ҳудудида бажарилган амалиётларнинг умумий ҳажми 658,5 млрд. сўмдан ортди (шундан, 647,7 млрд. сўми “Of-line” тизимида ишловчи пластик карточкалар орқали, қолган 10,8 млрд. сўми “On-line” тизимида ишловчи пластик карточкалар орқали бажарилган амалиётлардир).



**1-расм. “Микрокредитбанк” ОАТБ тизимида пластик карточкалар эмиссияси<sup>1</sup>. (дона)**

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, “Микрокредитбанк” томонидан эмиссия қилинаётган пластик карточкалар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Банкда иш ҳақи лойиҳаси бўйича пластик карточкалар сони ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган.


<sup>1</sup>“Микрокредитбанк” ОАТБнинг йиллик ҳисобот маълумотлари



Шунингдек, банк омонатларининг жами йиғиндисига нисбатан пластик карточка қолдиқлари салмоғи 47,4 фоизни ташкил этмоқда.

Пластик карточкалар фойдаланувчиси бўлган миқдорлар сони кескин кўпайганлигини ҳисобга олиб, банк карточка бизнесини ривожлантириб, уларга хизмат кўрсатиш инфраструктурасини ривожлантиришга ҳам катта маблағлар ажратишни давом эттирди.

Жумладан, 2012 йилда қўшимча 2 000 дона терминаллар харид қилинган бўлиб, натижада уларнинг умумий сони 7 123 донани ташкил этди, шунингдек банк филиаллари томонидан 10 дона банкомат ва 23 дона инфокиоскалар орқали ҳам миқдорларга турли хил хизматлар кўрсатилмоқда.



**2-расм. Пластик карточкаларни қабул қилувчи савдо-сервис корхоналари сони ўсиш динамикаси<sup>2</sup> (дона)**

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, “Микрокредитбанк”нинг эмиссия қилган пластик карточкаларига савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналар сони ҳам йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу терминаллар турли хўжалик юритувчи субъектларга ўрнатилган бўлиб, улар чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, супермаркетлар, савдо дўконлари, дорихоналар, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқалардир.

<sup>2</sup>“Микрокредитбанк” ОАТБнинг йиллик ҳисобот маълумотлари

“Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банки терминаллари орқали айланган маблағлар суммаси 2012 йил давомида 658,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 маротабага ортди.

Пластик карточка соҳиби бўлган мижозларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси доимий равишда аниқ мақсадни кўзлаб кенгайтирилганлиги муайян натижалар берди. Ҳозирги кунда “Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банки нақд пулсиз чакана ҳисоб-китоблар тизимининг асосий мақсадини амалга оширди. Зеро бунда савдо сервис тармоғида пластик карточкалар бўйича бажарилган операциялар ҳажмининг улуши улар бўйича олинган нақд пул улушидан кўп бўлди ва бу нисбат 89% га 11% ни ташкил этди.

Шунингдек, эмиссияга чиқарилаётган пластик карточкалардан самарали фойдаланиш, улар орқали амалга оширилаётган амалиётлар бўйича доимий назорат олиб борилди.

2013 йилнинг 1 январ ҳолатига 11 931 та корхона ва ташкилотларда иш-ҳақи лойиҳалари йўлга қўйилган бўлиб, уларда ишлайдиган 225 139 та ходимлар пластик карточкалар орқали амалиётларни бевосита амалга ошириб келмоқдалар.

Энди «Микрокредитбанк» ОАТБнинг активларини ўтган йилдаги ҳолатини таҳлил қилиб кўрамиз.

4- Жадвал

**ОАТБ "Микрокредитбанк" активлари таҳлили<sup>4</sup>**  
**(31 декабр ҳолатига)**

№	Кўрсаткичлар	2011		2012		Ўзгариши (+,-)	
		Сумма (млн.сўм)	салмоғи (%)	Сумма (млн.сўм)	салмоғи (%)	млн.сўм	%
	Активлар						
1	Нақд пуллар	11 625	2,38	13 327	2,12	1 702	115
2	ЎЗР МБдан олиниши керак бўлган пуллар	27 981	5,73	60 054	9,55	32 073	215
3	Бошқа банклардан олиниши керак бўлган пуллар	41 550	8,51	27 278	4,34	(14 272)	66
4	Олди-сотди учун қимматли қоғозлар	13 000	2,66	2 000	0,32	(11 000)	15
5	Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар	259 642	53,20	366 936	58,33	107 294	141
	Минус эҳтимолий йўқотишлар бўйича захиралар	(564)	-0,12	(1 909)	-0,30	(1 344)	338
6	Соф кредитлар ва бўнақлар	259 077	53,09	365 027	58,03	105 950	141
7	Молиявий ижара соф ҳолда	45 514	9,33	38 900	6,18	(6 614)	85
8	Шўба корхоналарга қилинган инвестициялар	7 292	1,49	7 354	1,17	62	101
9	Қўшма корхоналарга қилинган инвестициялар	-	-	-	-	-	-
10	Асосий воситалар	32 751	6,71	48 191	7,66	15 440	147
11	Номоддий активлар	307	0,06	267	0,04	(40)	87
12	Солиқ талаблари	-	-	-	-	-	-
13	Бошқа активлар	20 140	4,13	32 228	5,12	12 088	160
	<b>Жами активлар</b>	<b>488 039</b>	<b>100</b>	<b>629 035</b>	<b>100</b>	<b>140 996</b>	<b>129</b>

<sup>4</sup>"Микрокредитбанк" ОАТБнинг йиллик ҳисобот маълумотлари

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ОАТБ "Микрокредитбанк"нинг жами активлари 2012 йил 31 декабр ҳолатига 629 035 млн. сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 140 996 млн. сўмга ёки 129 % га ошган. Жами активлар таркибида мижозларга берилган соф кредитлар 58,03 фоизни ташкил этган, яъни 365 027 млн. сўмга тенг бўлган ва ўтган йилга нисбатан 105 950 млн. сўмга кўпайган. Банкнинг асосий воситалари 2012 йил 31 декабр ҳолатига 48 191 млн. сўмга тенг бўлган ва бу жами активларнинг 7,66 фоизини ташкил этади, ўтган йилга нисбатан 15 440 млн. сўмга кўпайган. Банк томонидан берилган молиявий ижара 2012 йил 31 декабр ҳолатига кўра 38 900 млн. сўмга тенг бўлган ва жами активларнинг 6,18 фоизини ташкил этган. Молиявий ижара жорий йилда ўтган йилга нисбатан 6 614 млн.сўмга камайган.

## **2.2. Микрокредитбанкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тартиби ва унинг жорий ҳолати таҳлили.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бу соҳани микромолиялашга ихтисослашган "Микрокредитбанк" мамлакатимизда тадбиркорликни ташкил этиш, ривожлантириш ва кичик корхоналарни техника ва технологиялар билан таъминлаш учун имтиёзли микромармоялар ажратиш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш ишларини янада кенгайтирмоқда.

Юридик шахсларни кредитлаш учун ажратиладиган микрокредитлар икки йўналишда ажратилади:

- Бошланғич (старт) сармояни шакллантириш учун;
- Бизнесни ривожлантиришга (кенгайтиришга) ва айланма маблағларни тўлдириш учун.

Бошланғич (старт) сармояни шакллантиришга ажратиладиган микрокредитлар:

Ушбу микрокредитлар йилига 3 фоизлик ставка бўйича 18 ойгача бўлган муддатга ташкил топганига 6 ойдан ошмаган кичик тадбиркорлик субъектларига куйидаги микдорларда ажратилдади:

- энг кам ойлик иш хакининг 50 бараваригача юридик шахс макomini олмасдан фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига;

- энг кам ойлик иш хакининг 100 бараваригача микрофирмалар ва юридик шахс макomini олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликларига;

- энг кам ойлик иш хакининг 200 бараваригача фермер хўжаликларига.

Бизнесни ривожлантиришга (кенгайтиришга) ва айланма маблағларни тўлдириш учун микрокредитлар.

Микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун:

- МИҚДОРИ - энг кам ойлик иш хакининг 500 бараваригача;

- МУДДАТИ - 24 ойгача;

- ФОИЗИ - Марказий банкнинг кайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ошмаган фоиз ставкасида.

Микрокредитлар куйидаги кичик бизнес субъектларига ажратилади:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;

- юридик шахс макомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари;

- фермер хўжаликлари;

- микрофирмалар;

- кичик корхоналар.

Фукаро тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, банк хизматларидан фойдаланиши учун:

- тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиши ҳамда;

- ўзига кулай бўлган Микрокредитбанк филиалида хисобракам очиши керак.

*Микрокредит олиш учун банкка такдим килиниши лозим бўлган хужжатлар:*

- микрокредит олиш учун буюртманома;

- бизнес-режа, рул окимлари прогнозини албатта кўрсатган холда;

- микрокредитнинг кайтарилиши таъминланиши билан боғлиқ хужжатлар, шу жумладан конун хужжатларида белгиланган тартибда тўлдирилган бухгалтерия ва молиявий хисобот маълумотлари.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан такдим этиладиган бизнес-режага кўйиладиган асосий талаблар:

- Такдим этиладиган бизнес-режа микрокредит олиш учун буюртманомга берилган санадан кўпи билан 60 кун олдин тузилган бўлиши керак;
- "Микрокредитбанк"ка мурожаат қилган тадбиркорлар кредит олгунгача "Микрокредитбанк" томонидан бепул ташкил этиладиган ажратиладиган микрокредитлар ва кўрсатиладиган лизинг хизматлари турлари ва механизмлари, шунингдек бизнес-режа тузиш бўйича иккита базавий семинарда катнашиши мажбурий ҳисобланади.

Микрокредит қайтарилишини таъминлаш:

Микрокредитлар таъминот ва ишонч асосида берилади. МУЛК гарови микрокредитни таъминлашнинг асосий шакли бўлиб хизмат қилади. Хар қандай мулк, шу жумладан буюмлар ва «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мулк хуқуқлар (талаблар) гаров предмети бўлиши мумкин. Микрокредит таъминот қийматининг 80% дан кўп бўлмаган миқдорда ажратилади.

Таъминот сифатида қуйдагилардан бири қабул қилиниши мумкин:

- мол-мулк гарови юқори ликвидликка эга бўлган қимматли қоғозлар;
- ликвидли товарлар, хорижий валюта ва гаров шаклида расмийлаштирилган валюта бойликларининг бошқа турлари;
- бенуксон тўлов қобилиятли субъект обрўсига эга бўлган юридик шахслар қифиллиги.

Ишончли микрокредитдан фойдаланиш шарти:

- Микрокредитлар фақат қоникарли кредит тарихига эга бўлган ва олдин олинган учта кредитни ўз вақтида тўлаган қарз олувчиларга ишонч асосида берилиши мумкин;
- Кредит ишонч асосида берилганда бўлажак тўловлар бўйича таъминлаш сифатида қарз олувчилар томонидан кредит қийматининг 20 фоизигача миқдордаги суммада мажбурий жамғариладиган дерозит жойлаштирилади, унга банк томонидан фоиз тўловлари қўшилади.

Микрокредит аризаларини кўриб чиқиш муддатлари:

- Микрокредит бериш тўғрисидаги қарор кредит кўмитаси томонидан банкка зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кредит буюртманомаси тушган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида қабул қилинади;
- Тадбиркорлик субъекти томонидан зарур даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилганда ёхуд ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлганда банк кўрсатилган муддат мобайнида ҳужжатларни аниқ мулоҳазалар рўйхатини ёзма шаклда баён қилган ҳолда пухта ишлаш учун қайтаришга ҳақлидир.

***Микрокредитлар ажратиш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш таъқиқланган йўналишлар:***

- илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни тўлашга;
- тамакичиликни ва алкогольли ичимликларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга;
- лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этишга берилмайди.

***Микрокредитни ажратиш ва қайтариш тартиби:***

1. Микрокредит олиш истагидаги тадбиркорлик субъекти Микрокредитбанкнинг ўзига қулай бўлган филиали ёки минибанкига мурожаат этади.

2. Тадбиркорлик субъекти банк томонидан микрокредитлар ажратиш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш уни қайтариш тартиби, бизнес-режа тузиш қоидалари бўйича бепул ташкил этиладиган иккита базавий семинарда иштирок этиши мажбурий ҳисобланади. Ушбу семинарларда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб оладилар, банк ва микрокредит олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан танишадилар.

3. Микрокредит ажратиш қоидалари тадбиркорга маъқул келган тақдирда у микрокредит олиш учун банкка ёзма мурожаатнома тақдим этади. Мурожаатномага бизнес режа ва таъминот тўғрисидаги маълумотларни илова қилади.

4. Кредит кўмитаси мижоз томонидан такдим этилган ҳужжатларни 3 иш кунидан кўп бўлмаган вақтда кўриб чиқади ва микрокредит ажратиш бўйича Қарор мижозга такдим этади.

5. Ижобий қарор олган тадбиркор таъминот (кредит кўмитаси қарорида қайд этилган мол-мулкни гарови шартномасини нотариал тасдиқлаш) билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиради ва банкка такдим этади.

6. Кредит суммасидан ва фоиз ставкасидан келиб чикиб, асосий қарз ва фоизларнинг бўлажак тўловлари кредитнинг бутун муддатига тенг тўловларда ҳисоблаб чиқилади.

7. Бизнес-режага мувофиқ тадбиркор дастлаб 6 ойгача бўлган муддатга имтиёзли давр олиши мумкин. Бу даврда мижоз фақат фоиз тўловларини, сўнг асосий қарз миқдорини ойма-ой тўлаб боради.

8. Банк олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаётган қарз олувчига нисбатан банк кредит шартномаси шартларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

о агар қарз олувчи банкнинг тавсияларини келишилган муддатларда бажармаса, унга санкция қўллаш тўғрисидаги огоҳлантириш билан бирга даъво хати юбориш;

о асосий сумма ва кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ўз вақтида тўланмаган, шунингдек кредитни кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтариш истиқболи мавжуд бўлмаган такдирда кредит бўйича қарздорлик қолдиғини муддатидан олдин, шу жумладан гаровга қўйилган мол-мулк ва бошқа мол-мулк ҳисобига ундириб олиш каби чоралар қўллаш ҳуқуқига эга.

"Микрокредитбанк" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ва деҳқон-фермер хўжалиқларига қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологиялар, тўқимачилик ускуналари, хизмат кўрсатиш дастгоҳлари, саноат учун минитехнологиялар, қишлоқ хўжалиқ техникаларини, йўловчи ташийдиган транспорт воситалари, юк автомобилларини имтиёзли микролизинг хизматлари асосида олиб бермоқда.



***Лизинг хизматлари икки турда кўрсатилади:***

- Микролизинг хизмати;
- Молиявий лизинг хизмати.

Микролизинг хизмати йиллик 5 фоизли ставка бўйича 36 ойгача бўлган муддатга энг кам ойлик иш хакининг 2000 бараваригача бўлган микдорда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилади.

**Молиявий лизинг хизматлари.**

Молиявий лизинг хизмати Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган йиллик 14 фоизли ставкадан 36 ойдан 60 ойгача бўлган муддатга кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилади.

Микролизинг хизматлари қуйидаги кичик бизнес субъектларига кўрсатилади:

- ✓ юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари;
- ✓ фермер хўжаликлари;
- ✓ микрофирмалар;
- ✓ кичик корхоналар

Фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, банк хизматларидан фойдаланиши учун:

- тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиши ҳамда;
- ўзига қулай бўлган Микрокредитбанк филиалида ҳисобракам очиши керак.

Микролизинг хизматлари кўрсатилиши учун банкка тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар:

- микролизинг хизмати кўрсатилиши учун буюртманома;
- бизнес-режа, пул оқимлари прогнозини албатта кўрсатган ҳолда;
- микролизинг хизматининг қайтарилишини таъминланиш билан боғлиқ ҳужжатлар, шу жумладан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлдирилган бухгалтерия ва молиявий ҳисобот маълумотлари.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган бизнес-режага қўйиладиган асосий талаблар:

"Микрокредитбанк" республикамиз молиявий институтлари ичида энг имтиёзли фоизларда, яъни йиллик 5 фоиз устама билан микролизинг хизмати кўрсатувчи ягона тижорат банки ҳисобланади.

***Микролизинг хизматини қайтарилишини таъминлаш:***

Микролизинг хизматлари таъминот ва миқдор томонидан қўйиладиган 30 фоизли депозит асосида берилади. МУЛК гарови микролизинг хизматини таъминлашнинг асосий шакли бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай мулк, шу жумладан буюмлар ва «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мулк хуқуқлар (талаблар) гаров предмети бўлиши мумкин.

***Таъминот сифатида қуйдагилардан бири қабул қилиниши мумкин:***

- мол-мулк гарови юқори ликвидликка эга бўлган қимматли қоғозлар;
- ликвидли товарлар, хорижий валюта ва гаров шаклида расмийлаштирилган валюта бойликларининг бошқа турлари;
- бенуқсон тўлов қобилиятли субъект обрўсига эга бўлган юридик шахслар кафиллиги.

***Микролизинг хизмати аризаларини кўриб чиқиш муддатлари:***

❖ Микролизинг хизмати кўрсатилиши тўғрисидаги қарор кредит қўмитаси томонидан банкка зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда микролизинг буюртманомаси тушган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида қабул қилинади.

❖ Тадбиркорлик субъекти томонидан зарур даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилганда ёхуд ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлганда банк кўрсатилган муддат мобайнида ҳужжатларни аниқ мулоҳазалар рўйхатини ёзма шаклда баён қилган ҳолда пухта ишлаш учун қайтаришга ҳақлидир.



Жадвал маълумотларидан кўринадики, ОАТ “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар белгиланган режага нисбатан 101 % га кўп бажарилган. Бу албатта қувонарли ҳолат. Чунки мамлакатда кичик бизнес субъектларининг кўпайиб бориши ва молиявий қўллаб-қувватланиши авваламбор аҳолининг турмуш даражасини янада ошишига хизмат қилса, бошқа томондан мамлакат ЯИМини ошишига ва уни жаҳондаги ўрнини ошишига замин яратади. ОАТ “Микрокредитбанк” томонидан кўрсатилаётган микромолиявий хизматларнинг ошиб бораётганлиги қувонарли ҳолат, лекин мамлакатимиздаги бошқа тижорат банклари томонидан микромолиявий хизмат кўрсатиш кўламини юқори деб бўлмайди. Биргина ОАТ “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес субъектларига кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар 20 %га яқиндир. Бу борада бошқа банкларнинг ҳам фаоллигини ошириш мақсадга мувофиқ.

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, ОАТБ “Микрокредитбанк” орқали банкнинг минтақавий филиаллари томонидан миқозларга тақдим этилган кредитлар динамикасини кўриш мумкин. Минтақалар кесимида юқори улуш Қашқадарё вилоятига тўғри келмоқда. Мазкур вилоятда банк филиаллари томонидан 24,5 млрд. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилган. Энг паст улуш Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда. Ушбу вилоятда банк томонидан ажратилган кредитлар Қашқадарё вилоятига нисбатан қарийб 4,0 баробарга камдир. Бу ҳолат мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кичик бизнес субъектларига ажратилаётган кредитларнинг улуши кескин фарқ қилишини кўрсатмоқда. Умуман олганда ушбу банк томонидан кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар республикаимиз ҳудудларида инфратузилмани янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

2007-2012 йилларда республикаимиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар фоиз

ставкаларининг нисбатан паст, барқарор бўлганлиги ушбу микрокредитларга бўлган талабнинг ошиши ва барқарорлашувига сабаб бўлди.

**6-жадвал**


**ОАТБ Микрокредитбанк томонидан кичик бизнес субъектларини микромолиялаш кўрсаткичлари<sup>6</sup> (йил бошига, млрд сўм)**

№	Кўрсаткичлар	2008й	2009 й	2010 й	2011 й	2012 й
1.	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар, жами	55,9	91,6	148,1	214,6	288,6
1.1.	Қисқа муддатли	10,5	18,7	38,4	45,3	59,3
1.2.	Узоқ муддатли	45,4	73,2	109,7	169,3	229,3
2.	Имтиёзли микромолиявий хизматлар	42,3	63,5	90,8	121,4	159,7
3.	Тадбиркор аёлларга микрокредитлар	11,1	13,2	18,4	26,1	34,0
4.	Берилган чакана кредитлар	5,1	6,9	8,8	9,8	16,9
5.	Микромолиявий хизматларнинг кредит турлари бўйича таркиби					
5.1.	Бошланғич сармоя учун	9,9	10,3	13	14,1	22,8
5.2.	Микролизинг хизматлари	10	19,9	26,1	37	70,3
5.3.	Айланма маблағлар учун	22,7	33,3	51,7	70,3	107,3

<sup>6</sup> “Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банкининг йиллик ҳисобот маълумотлари.

Жадвал маълумотларида Микрокредитбанк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар миқдори, шу жумладан, микромолиявий ва микролизинг хизматлар миқдори 2008-2012 йилларда юқори суръатларда ўсганлиги кузатилди. Мазкур ўсиш Микрокредитбанк ресурс базаси мустаҳкамланиб бораётганлиги, уни юридик шахс сифатида солиқлардан озод қилинганлиги каби омиллар мавжудлиги билан изоҳланади.

Ўтган йилда ажратилган микрокредитларнинг 52 фоизи кичик корхоналарга, 19 фоизи фермер хўжаликларига, 13 фоизи микрофирмаларга, 10 фоизи яқка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига ва 6 фоизи деҳқон хўжаликларига йўналтирилди.




**3-расм ОАТБ Микрокредитбанк томонидан берилган имтиёзли микромолиявий хизматлар<sup>3</sup> (йил охирига, млрд сўм)**

Юқоридаги маълумотларидан кўринадики, Микрокредитбанк томонидан кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитларнинг суръати 2012-йилга келиб 2008-йилга қараганда 3 баробардан ортиқ ўсган.

<sup>3</sup> “Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банкнинг йиллик ҳисобот маълумотлари.

"Микрокредитбанк" очик акциядорлик-тижорат банки кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва дехқон-фермер хўжалик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, республикани энг чекка ҳудудларида ҳам аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологияларини, қишлоқ хўжалиги техникаларини, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, транспорт хизматлари кўрсатадиган машина механизацияларини микролизинг асосида олиб беришни ташкил қиладиган асосий молиявий муассасаларидан бири ҳисобланади.



**4-расм ОАТБ Микрокредитбанк томонидан кўрсатилган микролизинг хизматларини тармоқларга йўналтирилиши<sup>4</sup> (01.01.2012 й, фоизда)**

Юқоридвги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, "Микрокредитбанк" ОАТБ томонидан 2012 йил бошига ўтган йилга нисбатан 5,1 млрддан кўпроқ микролизинг хизматлари кўрсатилиб, уларнинг ҳажми 2010 йилда 37 млрд. сўмга етказилди.

Микролизинг портфелининг 35,0 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига, 20,0 фоизи қишлоқ хўжалигини модернизациялаш соҳасига, 24,0 фоизи қурилиш

<sup>4</sup> "Микрокредитбанк" очик акциядорлик-тижорат банкининг йиллик ҳисобот маълумотлари.

моллари ишлаб чиқариш соҳасига, 17 фоизи озиқ-овқат соҳасига ва 5,0 фоизи енгил саноат соҳаларига кўрсатилган хизматларга тўғри келади.

Микролизинг хизматларини кўрсатишда янги ишчи ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, такрор ва қайта ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

"Микрокредитбанк" ОАТБ ҳамда ДАТ Халқ банки томонидан 2012 йилда Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармасининг (Германия) "Хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш бўйича қайта тикланувчи кредит жамғармаси" маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида тадбиркор аёлларга бошланғич капитални шакллантириш учун 267,8 минг евро миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Умуман олганда хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимида, айниқса "Микрокредитбанк" томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди.



### **III Боб. Микрокредитбанкнинг кичик бизнесни ривожлантиришдаги фаолиятини кенгайтириш истиқболлари.**

Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида эътиборли жиҳатларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4051-сонли «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бўлиб, унга мувофиқ:

- тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича – Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоиздан 50 фоизга;

- кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан «Микрокредитбанк»га кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун бир қанча вазифалар белгиланди:

- кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқонхўжаликларига ишлаб чиқариш фаолиятларини ташкил этиш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун микрокредитлар ажратиш, кенг қўламдаги банк ва консалтинг хизматларини кенгайтириш;

- микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш билан микрофирмалар фаолиятини, оилавий бизнес ҳамда касаначиликни тараққий

этиш жараёнини рағбатлантириш ва кўллаб-қувватлаш хисобига тадбиркорлик соҳаси кўламларини кенгайтириш;

- микросармояларнинг самарадорлигини, қайтарилишини таъминлаш;
- тадбиркорларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш.

Банк, дастлаб Республикамиз ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун кўшимча имкониятларни таъминлайдиган асосий омил - ўз инфратўз улмасини яратишга ҳаракат қилди. Айни кунда турли аҳоли пунктларида банкнинг 82 филиали, 285 мини банки ва кўплаб агентликлари ишлаб турибди. Ҳозир банк 200 мингга яқин миқдорда хизмат қилмоқда.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётида, ҳақиқатда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси молия бозорида олти йилдан буён фаолият қўрсатиб келаётган «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг ўзига хос хиссаси бор, албатта. Банк фаолият бошлаганидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 551 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратди. Жумладан, микромолиявий хизматлар миқдори 386 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур сармоялар эвазига республикамизда 400 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожлана бошлади. Бунини янги банк жадал ишлай бошлаши билан 2008 йил 10 ноябрда Президентимизнинг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганидан ҳам англаб олиш мумкин. Ушбу Фармон қайд этиб утилганидек, тадбиркорлар учун яна катта имтиёзлар яратди. Жумладан, бошланғич

сармояни шакллантириш учун ажратиладиган микрокредит устамаси йиллик 5 фоиздан 3 фоизга, айланма маблағларни тўлдириш ва бизнесни ривожлантириш учун ажратиладиган микрокредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизига, яъни 6 фоизга камайтирилди. Банк устав капитали 72 миллиард сумга кўпайтирилди ва 160 миллиард сўмга етказилди.

Банк активлари биргина 2012 йил давомида 1,2 баробар кўпайди. Унинг таркибида даромад келтирувчи активлар миқдори йил бошига нисбатан 1,8 баробарга ошди.

Банк имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан бирга аҳолига барча турдаги замонавий банк хизматлари, хусусан, қўшимча жалб қилинган молиявий ресурслар ҳисобидан корпоратив ва чакана кредитлар ажратиб келмоқда.

Эришилаётган ютуқларнинг муҳим омилларидан бири унинг жамоатчилик ташкилотлари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйгани ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида аҳолининг барча катламларига индивидуал ёндашишидир. Банк бугунги кунда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида бир қадар довлонларни босиб ўтган экан, эришилган марра-ларда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Урта махсус касб-хунар таълими маркази, Оқсоқоллар кенгашининг «Махалла» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби кўплаб жамоатчилик ташкилотлари билан олиб борилган ҳамкорлик катта аҳамият касб этди. Банк ана шундай ҳамкорлик асосида узоққишлоқлардаги ҳар бир маҳаллага, уларда истиқомат қилаётган ҳар бир оила даврасигача кириб борди.

Тадбиркорлар учун яратилган ана шундай имтиёзлар самараси ўларок, банк ўтган 2012 йилнинг ўзида кичик бизнесга 459,4 миллиард сум миқдорида кредитлар ажратди. Жумладан, 204,6 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатди. Яъни, банкнинг 2012 йилга

мулжалланган микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўлами аввалги йилга нисбатан 1,3 баробарга ошди. Йил давомида ажратилган кредитлар хисобига қарийб 120 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Банкнинг тадбиркорлар даврасига жадал кириб бораётганига яна бир мисол, утган 2012 йилнинг ўзида иш билан банд бўлмаган, илк бор тадбиркорликка қўл урган фуқароларга бошланғич сармоя учун 14,1 миллиард сўм микрокредитлар ажратилди.

Якка тадбиркорлар уй меҳнатини ташкил этиш билан ҳар бир оила учун ишончли ва доимий даромад манбалари яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай тадбиркорликнинг 4760 субъектига бошланғич сармоя сифатида 6 миллиард сум миқдорида микрокредитлар ажратилди. Берилаётган микрокредитлар ҳажмининг кескин ошиши хисобига 2010 йил давомида кредит қўйилма миқдори 32,5 миллиард сумга ёки 189,3 фоизга ошди.

Ўтган йилги ҳисоб-китобларга қараганда бошланғич сармоя сифатида микрокредит олган тадбиркорлар жами миқдорнинг 50 фоизини ташкил этди. Бинобарин, микросармоялар ҳажми бирмунча кичиклигини хисобга олсак, бу маблағ неча юзлаб тадбиркорларнинг орзу-мақсадларини руёбга чиқаради.

Айни чоғда банк микрокредитлари таркибида кичик корхоналарга берилган сармоялар - 36 фоизни, фермер хўжаликларига ажратилган кредитлар - 24 фоизни, микрофирмаларга ажратилган микросармоялар - 16 фоизни, юридик шахс бўлмаган якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорларга ажратилган микросармоялар - 16 фоизни, деҳқон хўжаликларига ажратилган микросармоялар - 8 фоизни ташкил қилмоқда.

Банк кредит фаолиятидаги устувор йўналиш корпоратив бозор сегментида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар, кимё саноати корхоналари, қурилиш

ташкilotлари ҳамда халқ хунармандчилиги билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилди.

Микросармоялар аниқ мақсадларга сафарбар этилгандагина кутилган натижаларни беради. Имтиёзли бундай кредитларни имкон даражасида аҳоли учун зарур бўлган бирор маҳсулот, буюм ва ашёларни ишлаб чиқишга йўналтириш тадбиркор учун ҳам, жамият учун ҳам ғоят фойдали ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан микролизинг хизматлари мамлакатимизнинг турли бурчакларида кўплаб янги товар маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва хонадонларнинг кўплаб заруриятларини кондиритишга хизмат қилмоқда. Чунки микролизинг хизматлари орқали кичик корхона ва фирмалар янги ва маҳсулдор замонавий ускуналар, инновацион техника ва минитехнологиялар билан таъминланмоқда.

Банк, жумладан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига ва деҳқон-фермер хўжаликларига қишлоқхўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологиялар, туқимачилик ускуналари, хизмат кўрсатиш дастгоҳдари, саноат учун минитехнологиялар, қишлоқхўжалиги техникаларини, йуловчиларни ташийдиган транспорт воситалари, юк автомобилларини имтиёзли микролизинг хизматлари асосида олиб берди.

«Микрокредитбанк» республикаимиз молиявий институтлари ичида энг имтиёзли фойдаларда, яъни йиллик 5 фоиз устама билан микролизинг хизмати кўрсатувчи ягона тижорат банки ҳисобланади. 2012 йил давомида банк томонидан 37 млрд. сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Банк ташкил этилганидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган микролизинг хизматлари ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Микролизинг портфелининг 35,0 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига, 20,0 фоизи қишлоқхўжалигини модернизациялаш соҳасига, 24,0 фоизи қурилиш моллари ишлаб чиқариш соҳасига, 17 фоизи озиқ-овқат соҳасига ва 5,0 фоизи енгил саноат соҳаларига кўрсатилган хизматларга тўғри келади. Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциациясининг маълум-

мотларига кўра «Микрокредитбанк» 2012 йилда лизинг бозорида кўрсатилган лизинг хизматлари сони бўйича биринчи ўринни эгаллади. 2013 йил биринчи чорагининг ўзида тадбиркорлик субъектларига 95,4 млрд. сум кредитлар ажратилган. Шундан 50,2 млрд сўми имтиёзли фоизларда берилган микрокредитлар бўлиб, бунинг натижасида, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида 27 мингта янги иш ўринлари яратилди. Тадбиркорлик субъектларига - хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 4,4 млрд. сум ҳамда 28 та тадбиркорлик субъектларига - қишлоқхўжалиги соҳасини модернизациялаш учун 504 млн. сўм миқдорида микролизинг хизматлари кўрсатилди. Бу жараёнда асосий эътибор янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, микролизинг хизматлари эвазига жорий йилнинг биринчи ярмида 2621 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Банк ўз фаолиятида асосий эътиборни доимий фаолият юритаётган кўرғазма-савдо ва ярмаркаларда хорижий етакчи компанияларнинг замонавий ускуна ҳамда минитехнологияларини, айниқса, қишлоқлардаги тадбиркорлик субъектларига имтиёзли микролизинг шартлари асосида сотиб олиб бериш учун шарт-шароитлар яратишга қаратмоқда. Кичик бизнесни минитехнологиялар ва ихчам ускуналар билан таъминлашда Республикамиз ҳукумати томонидан ташкил этилаётган «UzbekistanAgrominitechExpo» - кўрғазмалари катта роль ўйнамоқда. Уларда ишлаб чиқарувчилар билан банк ўртасида истиқболли лойиҳалар учун шартномалар имзоланмоқда. Шундай шартномалар асосида 2012 йилда 54 нафар мижозга микролизинг хизматлари кўрсатилди. Бу мақсадлар учун 1,3 миллиард сўм сарфланди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ва бошқа қатор масъул ташкилотлар томонидан «BANKEXPO 2013» деб номланган банк технологиялари, жихозлари ва хизматлари кўрғазмаси якунида банк республика молия муассасалари ўртасида ўтказилган танлов натижаларига

кўра «Энг кўп ташриф буюрилган стенд» ва «Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» номинациялари бўйичағолиб деб топилганининг ўзи банкнинг шу кунлардаги фаолиятига берилган баҳо ҳисобланади.

Микролизинг хизматларини кўрсатишда янги ишчи ўрин-лари яратиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, такрор ва қайта ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойихаларни молия- лаштиришга ал охи да эътибор қаратилди. Банкнинг энг ишончли ва фаол ҳамкорлари тадбиркор аёллар ҳисобланади. Жумладан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг аксарият йўналишлари асосан аёллар меҳнати билангина ўзининг такомилига эга бўлади. Айниқса, касаначилик билан шуғулланаётган аёллар бола тарбияси ва рўзғорюмушларидан ажралмаган ҳолда оилага бир қадар даромад олиб келиш имкониятига эга бўладилар.

Шу боис, «Микрокредитбанк» фаолиятининг илк кунлариданок юртимиз аёллари, айниқса, олис туман ва қишлоқлардаги хотин-қизларни соҳага кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг касб- хунар ва чеварлик борасидаги билим ва малакаларини амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бунинг учун банк, аввало ишни республикамизнинг барча ҳудудлари, айниқса, чекка туманлардаги олис қишлоқ ва овулларда ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, бу борада мамлакатимизда яратилган имконият ва имтиёзларни уларга етказиш мақсадида банк филиалларида доимий равишда махсус ўқув семинарлари, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этишдан бошлади.

Шунингдек, қишлоқларда якка тартибдаги меҳнат фаолиятларини бошлаган 4 минг 451 нафар хотин-қизларга шахсий бизнесларини ташкил этишлари учун банк филиалларида ўқув семинарлари ташкил этилди ва уларга 5,6 миллиард сум миқдорида бошланғич сармоя учун микрокредитлар ажратилди.

Банк ўзининг олти йиллик фаолияти давомида Фақатгина аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 70 миллиард сўмдан зиёд микрокредитлар ажратди. Агар кўрсаткичларни биргина угган 2012 йил мисолида оладиган бўлсак, ажратилган кредитлар 26 миллиард 70 миллион сўмни ташкил этиб, натижада республикаимиз микёсида 17 мингдан зиёд аёл доимий иш билан таъминланди.

Жорий йил давомида 30,4 миллиард сўм айнан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилади. Бу билан банк канчадан-канча оилаларимизнинг моддий манфаатдорлигини, фаровонлигини ортишига хисса қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёллар ривожланиши жамғармаси (Юнифем) билан ҳамкорликда Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш лойихасини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Лойихани Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида амалга ошириш мақсадида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва «Микрокредитбанк» ОАТБ ўртасида ўзаро ҳамкорлик келишуви имзоланди. Ушбу лойиханинг келгусидаги самараси бевосита кам таъминланган оилалардаги аёлларга гуруҳ кафиллиги асосида бошланғич сармоя микрокредитлари ажратилишида катта ёрдам бўлади. Натижада аёлларимиз банкнинг имтиёзли сармояларидан янада кенгрок фойдаланиш имкониятларига эга бўладилар.

Банк, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида бир неча йилдан буён ўтказилиб келинган «Қўли гулдир ўзбек аёлин...» кўргазма савдосининг ташкил этилиб, республикаимизнинг чекка ҳудудларида банк микросармояларидан фойдаланаётган аёлларимиз томонидан тайёрланган махсулотларни янада кенг тарғиб этиш, қолаверса, шу орқали уларни рағбатлантириб бориш имкониятини очиб берди. Анъанавий тарзда ўтказилган мазкур кўргазмада бугунги кунда банк



кредитлари хисобига фаолиятини юритаётган чевар аёллар гиламдўзлик, каштачилик, зардўзлик ва бошқа унлаб турдаги кул меҳнати маҳсулотлари билан чинакам муъжиза яратмоқлар. Шунингдек, тадбир доирасида доимий равишда савдо ярмаркаси иштирокчиларига семинарлар ташкил этилиб, уларга бизнесларини бундан-да ривожлантиришлари учун тавсия ва маслаҳатлардан иборат тарқатма материаллар берилди. Мазкур кўргазма тадбиркорлик, хунармандчилик, касаначилик фаолиятига энди кириб келаётган, асосан уй бекалари бўлган ва миллий кадриятларимиз асосида хунармандчилик маҳсулотлари яратаётган мохир аёллар учун тажриба-синов мактаби бўлмоқда.

Банк жамоаси ёшлар билан узоқ келажакни кўзлаган ҳолда ҳамкорлик олиб боради. Чунки чинакам тадбиркор ўзининг ҳаёт йулини яратувчиликка кадам қўйиш билан бошлаган билимли, қўлида хунари бор заковат эгаларидан чиқиши ойдек равшан. Шунинг учун ҳам тадбиркор ёшлар банкнинг энг асосий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ёшларнинг тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Республикамизнинг барча ҳудудларида «Ёш тадбиркор - юртга мададкор» кўрик-танлови ташкил этилмоқда. Шунингдек, банк «Келажак овози» ёшлар ташаббус маркази томонидан амалга оширилаётган «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш» дастури ижросида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, дастур асосида ташкил этилган «Ёш тадбиркорлар учун ўқув маркази» қатнашчиларига кредитлаш амалиётлари бўйича ўқув машғулотлари ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи қабулқилинди. Унга кўра, барча вилоят ҳокимликлари билан биргаликда вилоят касб-хунар

коллежларини битириб чиққан, айнан эгаллаган касблари бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлгақўйиш истагида бўлган йигит-кизларимизга бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича банк сертификатлари топширмоқда.

2012 йил давомида касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан ёшларга берилган имтиёзли микрокредит миқдори 3,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк фаолият бошлаганидан кейинги ўтган давр мобайнида микросармоялаш борасида муайян тажрибаларни кулга киритди. Аввало эҳтиёжманд бўлган ҳар бир оила учун турмуш шароитини яхшилаш, оддийгина бўлса ҳам ўз бизнесини ташкил этиб, даромад манбаи яратиш учун кичик хажмдаги, қулай муддатларга мулжалланган микрокредитлар жорий қилинди. Иккинчидан, ҳар бир микросармоя тўғрисида ишлаб чиқариш, яъни яратувчилик манбаи ташкил этиш билан биргаликда ишчи ўринлари яратишга эътибор қаратилди. Учинчидан, микросармоялар натижадорлигига эришиш учун масъулият ва маҳорат билан фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун имтиёзлар - ишонч кредитлари жорий қилинди. Уларни бошланғич сармоя олганларидан тортиб ишлаб чиқаришларини sanoat даражасига кўтаришга эришгунларигача қўллаб-қувватлаш банкнинг анъанасига айланиб кетмоқда. Микрокредитлар дан ҳар бир хонадон баҳраманд бўлиб, ўзи учун даромад манбалари яратишини мулжаллаб микросармоялар олиш имкониятлари кенгайтирилди. Масалан, жисмоний шахс кафилиги, гуруҳ кафилиги асосида микросармоялар бериш жорий қилинди.

Банкнинг саъй-ҳаракатлари халқаро миқёсда ҳам муносиб баҳоланди. 2010 йил якунлари бўйича ижтимоий йўналишлардаги «MikroFinanzaRating» компанияси (Италия) «Микрокредитбанк»ка халқароқабул этилган «SBB» меъёрларига мувофиқ «Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш

борасида етарли кобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоллиги юқорибўлган банк» деган ижтимоий рейтинг такдим этди.

Банк айна пайтда дунёдаги йирик молиявий ташкилотлар - Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кредит линиялари грантларини, Германия Жамғарма фонди, Люксембург Микромолия фонди маблағларини Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга жалб этмокда.

Бир сўз билан айтганда, банк бугунги кунда нафақат республика, балки халқаро микёсда ишончли микромолиявий муассаса сифатида тан олинди. Истиқболни кўзлаб амалга ошираётган ишлари туфайли «Микрокредитбанк» ОАТБ Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви - «MIX-MARKET» агентлиги хисоботларига кўра, Марказий Осий ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 банки сафига кирди ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида тегишли бизнес-таркиблар билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик ишлари янада кенгайтирилди. "Микрокредитбанк" ОАТБ ҳамда ДАТ Халқ банки томонидан 2012 йилда Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармасининг (Германия) “Хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш бўйича қайта тикланувчи кредит жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида тадбиркор аёлларга бошланғич капитални шакллантириш учун 267,8 минг евро миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микромолиявий хизматлар миқдори 204,8 млрд. сўмни ташкил килди. Банк томонидан ажратилган микрокредитлар ҳисобига 105 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил

этилди. Республикамизда микроолиявий хизматларни янада ривожлантириш ва улар ҳажмини янада ошириш мақсадида махсус банк - Микрокредитбанк ташкил этилган ва ушбу банк юридик шахс сифатида барча солиқларни тўлашдан озод қилинган. Аммо микроолиявий хизматлар кўрсатувчи бошқа институтларга нисбатан бундай солиқ имтиёзлари жорий этилмаган. Бу эса, мазкур банкнинг микроолиявий хизматлар бозорида бошқа микроолиялаш институтларига нисбатан монопол мавқега эга бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. ОАТ “Микрокредитбанк” Республикамизнинг барча ҳудудларида ўз бошқарма ва филиалларига эга бўлиб, ушбу минтақавий филиаллар томонидан кичик бизнес субъектларига бир қатор турдаги микроолиявий хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

## Хулоса

Иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилаётган мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам шунга мос равишда жадал ривожлана бошлади. Бунда 2008 йил 10 ноябрда Президентимизнинг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилингани ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Фармонда қайд этиб ўтилганидек, тадбиркорлар учун яна катта имтиёзлар яратилди.

Жумладан, бошланғич сармояни шакллантириш учун ажратиладиган микрокредит устамаси йиллик 5 фоиздан 3 фоизга, айланма маблағларни тўлдириш ва бизнесни ривожлантириш учун ажратиладиган микрокредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизига, яъни 6 фоизга камайтирилди. Банк устав капитали 160 миллиард сўмга етказилди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларида фаолият кўрсатаётган ва маҳсулотларини экспорт қилаётган кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан берилаётган микрокредитларнинг имтиёзли фоиз ставкаси билан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўртасидаги фарқни давлат бюджети томонидан субсидиялашни жорий қилиш лозим.

Бунинг натижасида:

биринчидан, тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш билан боғлиқ бўлган кредит рискининг даражаси камаяди;

иккинчидан, кичик бизнес субъектларининг берилган микрокредитларни қайтариш имконияти ошади, чунки, фоиз ставкаси микрокредитнинг баҳоси ҳисобланади. Фоиз ставкасининг пастлиги кичик бизнес субъектларининг кредитлар бўйича фоиз тўловлари юқини енгиллаштириш имконини беради. Бундан ташқари, кредит рисқи даражасининг пасайиши эса, тижорат

банкнинг кредит зарарларини қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг камайишига олиб келади.

Республикамиз тижорат банклари шу жумладан “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар миқдорининг юқори ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитларнинг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади. Шунингдек республикамиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар фоиз ставкаларининг нисбатан паст, барқарор ва ижобий бўлганлиги тижорат банклари томонидан берилаётган микрокредитларга бўлган талабнинг ошиши ва барқарорлашувига сабаб бўлмоқда

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида Ўзбекистонда тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини ошириш мақсадида тизимли банкларнинг устав капиталини ошириш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Республикамизда тижорат банкларининг имтиёзли микрокредитлар беришдан манфаатдорлигини ошириш таъминланганлиги, кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзлари берилаётганлиги микромолиявий хизматларга бўлган талаб барқарорлиги оширилишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда микромолиявий хизматлар бозори фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди:

– микрокредитлар ва микролизинг хизматларидан фаол тарзда фойдаланаётган кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимининг такомиллашмаганлиги;

– республикамиз тижорат банкларида кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг алоҳида, такомиллашган тизими мавжуд эмаслиги, ушбу соҳада тармоқдаги тармоқ рискининг ҳисобга олинмаётганлиги;

– минтақаларимизда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи муассасаларнинг ҳудудий жиҳатдан нотекис жойлашганлиги;

– республикаимиз тижорат банклари ва нобанк кредит муассасаларининг кредитлари бўйича қабул қилинаётган гаров объектларига нисбатан талабларнинг бирхиллаштирилмаганлиги;

– микрокредит амалиётларида кредит rischi даражасининг юқорилиги, даромадлилик даражасининг паст эканлиги ва микрокредитларни бериш соҳалари бўйича чекловларнинг мавжудлиги;

– тижорат банкларида молиявий ресурсларнинг етишмаслиги уларнинг микромолиялаш хизматлари ҳажми ва сифатини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматлар бозори фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Республикаимиз тижорат банкларининг микрокредитларидан фойдаланувчи кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш.

– бир вақтнинг ўзида жорий ликвидлилик коэффициентлари ва айланиш коэффициентларидан фойдаланишни жорий қилиш лозим;

– айланиш коэффициентларидан фойдаланишда ҳар бир тармоқ бўйича айланиш коэффициентларининг меъёрий даражасини узлуксиз маълум қилиб боришни таъминлаш зарур;

– тармоқ riskининг кичик бизнес субъектининг микрокредитлар ва микролизинг бўйича кредит тўловига лаёқатлилигига таъсирини баҳолашни республикаимиз тижорат банклари амалиётига жорий қилиш лозим.

2. Микромолиявий хизматларга эҳтиёжи бор аҳолининг тўлиқ қамраб олинишини таъминлаган ҳолда, мамлакатнинг чекка минтақаларида нобанк кредит ташкилотлари тармоғини кўпайтириш керак. Зеро, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хўжалик юритувчи субъектларни ортиқча

харажат қилиб, вилоят марказига ёки пойтахтга келишларига зарурат туғилмайди.

3. Тижорат банклари ва нобанк кредит муассасаларидан микрокредит ва микролизинг олган кичик бизнес субъектларининг кредит йиғма жилдини шакллантириш ва унга ҳуқуқий мақом бериш лозим. Бунинг натижасида микрокредитлаш ва микролизинг хизмати кўрсатиш жараёнидаги кредит риси даражаси пасаяди.

4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларида фаолият кўрсатаётган ва маҳсулотларини экспорт қилаётган кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан берилаётган микрокредитларнинг имтиёзли фоиз ставкаси билан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўртасидаги фарқни давлат бюджети томонидан субсидиялашни жорий қилиш лозим.

Бунинг натижасида:

биринчидан, тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш билан боғлиқ бўлган кредит рисининг даражаси камайд;

иккинчидан, кичик бизнес субъектларининг берилган микрокредитларни қайтариш имконияти ошади, чунки, фоиз ставкаси микрокредитнинг баҳоси ҳисобланади. Фоиз ставкасининг пастлиги кичик бизнес субъектларининг кредитлар бўйича фоиз тўловлари юқини енгиллаштириш имконини беради. Бундан ташқари, кредит риси даражасининг пасайиши эса, тижорат банкнинг кредит зарарларини қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг камайишига олиб келади.



## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003 й 8 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й 21 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996 й 25 апрель.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни. 2006 й 15 сентябр.

5. Ўзбекистон республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни. 2003 й 30 август.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги N 69-II сонли Қонуни 25.05.2000 й.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги №56 сонли “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. // Халқ сўзи. – 2005 й – 18 апрел.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3750-сон Фармони. 5.05.2006 й.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4116-сон Фармони. 17.06.2009 й.

10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 640 сонли Қарори. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007й 21 май.

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2007 й 7 ноябр.

12.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лойиҳаларни танлаб олиш ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун жалб қилинаётган хорижий кредит линиялари ҳисобига кичик ва ўрта корхоналарга кредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги Қарори 7.02.1997й.

13.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кичик бизнесни тўлиқ кўламда ривожлантириш бўйича дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 06.06.2002 й. N 201 сонли Қарори.

14.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш давлат дастури тўғрисида” ги 344 сонли Қарори. 28.08.2011й.

15.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш учун Осиё тараққиёт банки кредитидан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 69 сонли Қарори. 6.02.2001й.

16.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик бизнес субъектларини кўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида” ги 206-сонли Қарори 08.09.2005й.

17.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида” ги 97-3 Қарори. 16.11.2004й.

18.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида” ги низом. 162-сон қарор 07.08.2006й.

19.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификацияси тўғрисида” ги 439-сон қарори. 11.10.2003й.

20.И.А.Каримов “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”.// Халқ сўзи, 2008 йил 9 феврал.

21.И.А.Каримов “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир”.- Т.: Ўзбекистон, 2007й.

22.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995й.

23.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999й.

24.Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005й.

25.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. “Ўзбекистон”, 2005й.

26.Каримов И.А. “Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш ва мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари”. – Т.: Ўзбекистон, 2010й.

27.Каримов И. А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т : Ўзбекистон, 2010й.

28.Каримов И.А. “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”. – Т.: Ўзбекистон, 2011й.

29.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012-йилнинг асосий яқунлари ва 2013-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент. 2012-йил. 8-декабрь.

## **II Дарслик ва ўқув адабиётлари**

30.Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Т.: “Молия”, 2003й.

31.Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Т.: “Иқтисод – Молия “. 2007й.

32.Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланади. Т.: “Ўзбекистон”, 2011й.

33.Ғуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес.-Т.: Шарқ. 2002й.

34.Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.- Т.:Мехнат.2000й.

35.Основы бизнеса. Под.ред.Ю.Б.Рубина.Учебник.6-изд.-М.: Маркет ДС Корпорейшнб2005г.

36.Дэн Штайнхофф, Джон Берджес. Основы управления малым бизнесом. Перевод с англ. - М.: БИНОМ, 1997г.

37.М.И Болошович. Кичик бизнес .Ватанимиз ва хорижий давлатлар тажрибалари .М,1995й.

38.Бусигин А. Предпринимательство.-М.: 1997г.

39.Малый бизнес. Организация, экономика, управление. Под ред. Проф. В.Я.Горфинкеля, проф В.А.Швандара. Учеб. Пособие. 2-е изд., перераб. И доп. – М.: Юнити-Дана, 2003г.

40.Исмаилов.М.Д. Практика кредитования малого бизнеса за рубежом.МГУ им.Ломоносова.М.:2007г.

41.Й.Шумпетер Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. М.Эксмо,2007г.

42.Хоскинг А. Курс предпринимательства .-М.Дело, 1993г.

43.Р.Хизрич, М.Питерс. Предпринимательство .-М.Дело, 1991г.

44.Ф.Хайек. Познание, конкуренция и свобода. –М.Пневма,1990г.

45.Лембден К.Дж.Финансы в малом бизнесе. Пер с англ.-М, Финансы и статистика,1992г.

46.Қодиров А. Ўзбекистон банк тизими: юксалиш одимлари // Бозор, пул ва кредит. – 2005й.

47.Ж.Ҳасанов. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар қайтарилишини таъминлаш. // Бозор, пул ва кредит, №9,2003й.

### **III Даврий нашрлар ва ҳисоботлар**

48..Давлат Статистика қўмитасининг йиллик йиғмажилди.

49.«Банк ахборотномаси» газетаси 2012-2013йил сонлари

50.«Бозор, пул ва кредит» журнали 2012-2013йил сонлари

## 51.«Микрокредитбанк» ҳисобот маълумотлари

### **IV Интернет сайтлари**

[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

[www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)

[www.banker.uz](http://www.banker.uz)

[www.review.uz](http://www.review.uz)

[www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz)

[www.google.com](http://www.google.com)

[www.uzpsb.uz](http://www.uzpsb.uz)

[www.uztadbirkor.uz](http://www.uztadbirkor.uz)

[www.stat.uz](http://www.stat.uz)